

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

562 «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2021-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 18 сентябрдаги 92, 26/1, 2009-28-сон қарори (рўйхат рақами 2021, 2009 йил 19 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 43-сон, 462-модда) билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 19 сентябрь,
88-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

42 (594)-сон

— 31 —

562-модда

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 19 сентябрь,
314-В-1-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 19 сентябрь,
2013-44-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Марказий банки
Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг
2013 йил 19 сентябрдаги 88, 314-В-1,
2013-44-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида
узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб
фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 9-банднинг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Имтиёзларни қўллаш учун тижорат банклари давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йили якуни бўйича Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китобларини тақдим қилиш билан бир вақтда ушбу Низомнинг 1-иловасига асосан Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши ҳисоб-китоби — Маълумотномани тақдим қиладилар.».

2. 1-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

СТИР

Хужжат тури /

Солиқ даври

Хужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — аниқлаштирувчи (каср орқали аниқлаштирув рақами)

Юридик шахснинг _____

тўлиқ номи

**Кредит портфели таркибида узоқ муддатли
инвестициявий молиялаш улуши
ҲИСОБ-КИТОБИ — МАЪЛУМОТНОМА**

Кўрсаткич номи	Сатр коди	Ҳисобот даври учун сумма (минг сўм)			
		1-чорақ	ярим йиллик	9 ой	йил
I. Узоқ муддатли инвестициявий молиялаш, жами (020, 030 ва 040-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:	010				
уч йилдан кам бўлмаган муддатга берилган инвестиция кредитлари (брутто*) (14700 — 15500, 15701 нинг тегишли ҳисобварақлари, бундан 14900 мустасно)	020				
уч йилдан кам бўлмаган муддатга кўрсатилган лизинг хизматлари (брутто*) (15600, 15705 нинг тегишли ҳисобварақлари)	030				
банклар томонидан олинган ишлаб чиқариш корхоналари негизда ташкил этиладиган компаниялар активларига йўналтирилган маблаглар	040				
II. Кредит портфели, жами (060, 070 ва 080-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:	050				
берилган кредитлар суммаси (брутто*) (11900 — 15500, 15700 ҳисобварақлар)	060				
лизинг хизматлари (брутто*) (15600 нинг тегишли ҳисобварақлари)	070				
банклар томонидан олинган ишлаб чиқариш корхоналари негизда ташкил этиладиган компаниялар активларига йўналтирилган маблаглар	080				

